

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ОЙБЕК ЭШБОЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЎРТА БЎҒИН РАҲБАРЛАРИ
ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология.

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
психологических наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of
Psychological Sciences (DSc)**

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич

Олий таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбарлари психологик
компетентлигини моделлаштириш 3

Хайитов Ойбек Эшбоевич

Моделирование психологической компетентности руководителей
среднего звена высшего образовательного учреждения 35

Khayitov Oybek Eshboevich

Modeling of Psychological Competency of the Secondary Level Heads of
Higher Education 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 72

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ОЙБЕК ЭШБОЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЎРТА БЎҒИН РАҲБАРЛАРИ
ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология.

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/P37-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримова Васи́ла Маманоси́ровна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баратов Шариф Рамазанович
психология фанлари доктори, профессор

Сафаев Нуриддин Салихович
психология фанлари доктори, профессор

Ибодуллаев Зарифбой Раджапович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____ куни тарқатилди. (2020 йил “__” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б. Шоумаров

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
психол.ф.д., профессор

Х.А. Кадирова

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
психол.ф.н., доцент

Р.А. Абдурасулов

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
психол.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбарларининг психологик компетентлигини моделлаштириш стратегик ривожланишнинг муҳим йўналиши сифатида амалиётга татбиқ этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Дунёмизнинг ўзгариши: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш учун Кун тартиби” дастури ҳамда “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун тараққиёт сиёсатига доир тадбирларни ҳар томонлама жорий қилиш, жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш” (MAPS) ёндашувига асосланиб, ўрта бўғин бошқарув тизими учун раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш, номзодларни билим савиясини ва малакасини ошириш билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни психологик компетентлиги мазмунини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳондаги таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ўрта бўғин раҳбарлари компетентлигини моделлаштириш, касбий тажриба асосида раҳбар бошқарув компетентлигини ривожлантириш, раҳбар ижтимоий-перцептив компетентлигини баҳолаш тизимини оптималлаштириш, бошқарувчи коммуникатив компетентлигини халқаро ҳамкорликда ривожлантириш, раҳбар профессионал компетентлигини акмеологик баҳолаш, маданиятлараро муносабатлар шароитида раҳбар ижтимоий компетентлигини такомиллаштириш, ёш раҳбарларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан таълим менежменти йўналишида бошқарувчилар тайёрлайдиган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг истиқболли йўналишлари профессионал, ижтимоий-коммуникатив, ижтимоий-информацион, ижтимоий-психологик, когнитив, услубий-маҳсус, ижтимоий-маданий ва аутопсихологик компетенцияларни шакллантириш жараёнида ўрта бўғин раҳбарларининг психологик компетентлигини моделлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда замонавий таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш, таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга кодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, ўрта бўғин раҳбарини касбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб боришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди ва моддий-техник базаси кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “кадрларни танлашнинг самарали шакллари ва услубларини жорий қилиш, давлат хизматида кадрларни марказлаштирилган ҳолда саралаш, замонавий талабларга жавоб берувчи “шахсни аниқлаштириш” тизимини жорий этиш”

устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.¹ Натижада замонавий рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнининг сифат босқичи ривожланган хорижий мамлакатлардаги илғор бошқарув тажрибасини миллий кадриятларга уйғунлаштириш, бошқарув персоналлари компетенцияларини аниқлаш, уларни компетентлик соҳалари бўйича кластерлаш, дифференциялаштириш ҳамда ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини оптималлаштириш шароитлари ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ–5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 30 майдаги ПҚ–3755-сон “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1018-сон “Истиқболли бошқарув кадрларини танлаш бўйича “Тараққиёт” республика танлови finali иштирокчилари орасидан бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда бошқарув фаолиятига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини моделлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаса (бундан кейин матнда – ОТМ)ларида, жумладан Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO, Швейцария); Бразилия университети (Universidade de Brasília, Бразилия); АҚШнинг Гарвард давлат бошқарув институти (John F. Kennedy School of Government,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: <https://lex.uz/pdfs/3107036> (мурожаат санаси: 24.06.2020 й.).

² Диссертация мавзусига доир хорижий тадқиқотлар Швейцариянинг Халқаро меҳнат ташкилоти (<https://www.ilo.org/global/research/lang--en/index.htm>), АҚШнинг John F. Kennedy School of Government (URL:<https://www.hks.harvard.edu>), Бразилиянинг Universidade de Brasília (URL: <https://international.unb.br/r-i>) ва Россия Федерациясининг Давлат бошқарув университети (URL: <https://guu.ru>) ва Урал Федерал университети (URL: <https://urfu.ru>) каби жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган ҳамда диссертация мавзусига доир ишланмалар яратилган.

АҚШ); Урал Федерал университети (Россия Федерацияси); Давлат бошқарув университети (Россия Федерацияси) ва Буюк Британиядаги “Saville Assessment” компаниясида замонавий бошқарув назариясини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Дунёда ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини моделлаштиришни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида касбий лавозим малака талаблари миллий малакалар рамкаси асосида такомиллаштирилган (ILO, Швейцария), бошқарув лавозимлари профессионал стандартлари тармоқ малака рамкаси талаблари асосида ишлаб чиқилган (Universidade de Brasília, Бразилия), бошқарувчининг таянч компетенциялари ҳар бир соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб тизимлаштирилган (John F. Kennedy School of Government, АҚШ; Урал Федерал университети, Россия Федерацияси), олий таълим раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантиришнинг дастурий тизими рақамли технологиялар воситасида яратилган (Давлат бошқарув университети, Россия Федерацияси), замонавий менежмент компетенциялари модели бошқарув роллари ва бошқарувчи хулқ-атвор стандартлари асосида яратилган (Буюк Британиядаги “Saville Assessment” компанияси).

Дунёнинг етакчи ОТМларида ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини моделлаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини жорий қилиш асосида раҳбар шахсининг профессионал компетенцияларини ривожлантириш; ўрта бўғин раҳбари инновацион бошқарув қобилиятини ривожлантиришнинг психологик механизмларини жорий этиш; рақамли технологиялар асосида ўрта бўғин бошқарувини ташкил этиш ва унинг сифатини баҳолаш мониторингини такомиллаштириш; таълим муассасалари репутациясини шакллантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва психологик механизмларини жорий этиш; ўрта бўғин раҳбарларидаги бошқарув, шахсий ва функционал компетенцияларни моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий малакали мутахассисларни тайёрлаш ва ривожлантириш жараёнига доир қонуниятлар ва анъаналар, бўлажак раҳбарларни профессионал бошқарув фаолиятига тайёрлаш муаммолари Ғ.Б. Шоумаров, Э.Ғ. Ғозиев, В.М. Каримова, Д.Ғ. Мухамедова, Ш.Х. Абдуллаева, И.И. Маҳмудов, Э.Н. Сатторов, Х.М. Алимов, О.Р. Шамиева, Т.М. Адизова, Н. Боймуродов, Р.М. Маҳмудов, А.А. Бекназаров, Н.А. Рузикулов, Ю.М. Асадов, Н.А. Муслимов, М.Т. Мирсолиева, Я.У. Исмадияров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимлари Т.Ю. Базаров, О.В. Бараусова, Т.В. Бендас, Д.Ю. Варнавский, Дж. Льюис, С.С. Михеев, Т.И. Полосина ва бошқалар бошқарув компетентлигини; А.А. Деркач, В.Г. Заикин, Ю.С. Артемов, А.С. Баласанян, Т.В. Крюкова, А.Ф. Фоминих, Т.Н. Шербакова ва бошқалар акмеологик компетентликни; М.В. Авдеева, А.К. Болотова, О.С. Возженикова, А.И. Емелин, П.Ю. Жуков, Ю.М. Жуков,

В.Н. Кустов, О.В. Михайлова, О.В. Муравьева, А.В. Немушкин, Л.А. Петровская, С.В. Петрушин ва бошқалар коммуникатив компетентликни; А.А. Деркач, Ю.В. Всемирова, Т.Ю. Базаров, Н.В. Грохольская, И.В. Дурманова, Р.А. Ефремов, В.М. Захаров, Ф.С. Исмагилова, О.А. Козирева, Е.В. Куликова ва бошқалар профессионал компетентликни; А.В. Евсеев, Т.Ю. Коновалова, Р.К. Малинаукас, В.П. Гудонис, Ш.А. Шнирас, Е.В. Овчарова, О.В. Софронова ва бошқалар ижтимоий-психологик компетентликни; И.Э. Вегерчук, В.А. Мартинова ва бошқаларни ижтимоий-перцептив компетентликни; А.Д. Ионова, С.С. Ломакина, В.Л. Недорезова, Л.В. Блинов ва бошқалар ижтимоий компетентликни; О.И. Денисов, В.В. Рогачев ва бошқалар конфликтли компетентликни; А.С. Купавская, Г.С. Миролубова ва бошқалар этномаданий компетентликни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари бўйича изланишлар олиб боришган.

Т.Ю. Базаров, Ж.Г. Гаранина, Е.А. Зубарев, Т.Е. Кондракова, Е.С. Маслова, А.Н. Нурмухаметова, О.И. Пец, Б.Р. Тамбиева, Т.Н. Шербаковаларнинг³ илмий ишларида раҳбар психологик компетентлигини ривожлантириш ва моделлаштириш муаммолари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Р. Бар-Он, Р. Купер, М. Бакли, К.Э. Изард, К.И. Саарни, Ж.Мэттьюслар изланишларида айрим мутахассислик доирасидаги шахс ёки ташкилотга оид компетентлик ва компетенцияларни моделлаштириш муаммоларига доир тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлар режасининг А–3-175 рақамли “Ўзбекистонда маъмурий бошқарув органлари раҳбарларининг лавозимга лойиқлигини баҳолаш ва тавсия этиш технологиясини такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик асослари” (2008) мавзуси ҳамда Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий тадқиқот ишлар

³ Базаров Т.Ю., Ладиионенко М.А. Методика создания модели компетентностей [Электронный ресурс] // Организационная психология. – 2013. – Т. 3. № 3. – С. 61–77.; Гаранина Ж.Г. Психологическая компетентность будущего специалиста (На материале экономико-управленческих профессий): Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.03. – Казань: КазГТУ, 1999. – 183 с.; Нурмухаметова А.Н. Психологические особенности личности руководителя образовательного учреждения: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.01. – Москва: Московская гуманитарно-социальная академия, 2002. – 155 с.; Шербакова Т.Н. Психологическая компетентность учителя: акмеологический анализ: Дис. ... док-ра психол. наук: 19.00.13. – Ставрополь: «Ростовский областной институт повышения квалификации и переподготовки работников образования», 2006. – 456 с.; Зубарев Е.А. Развитие психологической компетентности специалистов кадровых служб: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.13. – Москва: РАГС, 2008. – 171 с.; Маслова Е.С. Особенности психологической компетентности личности менеджера по персоналу: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.01. – Сочи: Инст. образ. тех. Рос. Академии образования, 2009. – 214 с.; Тамбиева Б.Р. Личностные детерминанты психологической компетентности менеджера ресторана: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.01. – Сочи: РАО «Институт образовательных технологий», 2011. – 258 с.; Кондракова Т.Е. Формирование психологической компетентности специалиста в области сервиса: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.07. – Пятигорск: Пятигорский ГЛУ», 2013. – 226 с.; Пец О.И. Психолого-педагогические условия продуктивного развития психологической компетентности родителей младших школьников: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.07. – Хабаровск: Минский университет, 2019. – 218 с.

режасининг А-3-001 рақамли “Ўзбекистонда оила шажараси ва оилавий мероснинг шахс профессионал ўсишига таъсирини ўрганиш” (2011) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессионал бошқарув фаолиятини тартибга соладиган ижтимоий-психологик фазилатлар тизимига асосланувчи ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг устувор таркибий компонентларини бошқарувчига хос таянч компетенциялар асосида такомиллаштириш;

устувор таркибий компонентлар асосида ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлиги моделини такомиллаштириш;

ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг таркибий компонентларига доир компетенцияларни саралаш, сараланган юқори юкламали компетенциялар кластерини дифференциялаштириш;

ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини моделлаштирувчи, бошқарув фаолиятини тартибга соладиган ижтимоий-психологик фазилатлар тизимини яратишга хизмат қиладиган концептуал қарашларни такомиллаштириш;

ОТМ ўрта бўғин раҳбарига хос компетенцияларни оптималлаштириш тавсифини ва бошқарув фаолиятини тартибга соладиган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ОТМ ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини моделлаштириш жараёни бўлиб, тадқиқотда Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги марказ, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги минтақавий, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги тармоқ марказларидаги олий таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва педагог-ходимлар тоифасига мансуб 420 нафар синалувчи (бўлим бошлиқлари – 40 нафар, факультет деканлари – 22 нафар, декан ўринбосарлари – 53 нафар, кафедра мудирлари – 62 нафар, ўрта бўғин раҳбарлик лавозимларига захира кадрлар – 236 нафар, экспертлар – 7 нафар) иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети ОТМ ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини моделлаштириш жараёнидаги компетенциялар шаклланишининг индивидуал-психологик, ёшга, жинсга, касбга оид ижтимоий-психологик фазилатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Сухбат, интервью, биографик метод, контент таҳлил, “Раҳбар психологик компетентлигини эксперт баҳолаш методикаси (муаллифлик ишланмаси), “Менежер фаолиятининг диагностикаси” методикаси (Э. Ғозиев, Р. Тошимов), “16 омилли шахс сўровномаси” (Р.Б. Кеттелл бўйича Э. Ғозиев, А.И. Расулов модификацияси), “Раҳбар имижини шакллантирувчи услубларни баҳолаш” методикаси (Ю.В. Андреева бўйича В.М. Каримова модификацияси) ёрдамида профессионал бошқарув фаолиятини ижтимоий-психологик жиҳатдан тартибга соладиган хусусиятлар тизимига асосланувчи ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлиги аниқланди; математик-статистик методлар (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Студентнинг t-мезони, К. Пирсоннинг r_p -корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) ёрдамида тадқиқотда қўлга киритилган миқдорий кўрсаткичлар қайта ишланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг (профессионал, ижтимоий-коммуникатив, ижтимоий-информацион, ижтимоий-психологик, когнитив, услубий-маҳсус, ижтимоий-маданий, аутопсихологик компетенциялар) таркибий компонентлари бошқарувчиларга хос ижтимоий-психологик фазилатлар ва касбий сифатларни кластерлаш асосида такомиллаштирилган;

ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини ривожлантириш модели устувор шахс сифатлари ва компетенцияларни мужассамлаштирувчи юқори, ўрта ва қуйи даражаларга дифференциялаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг таркибий компонентлари (социал-психологик мослашувчанлик, фикрнинг креативлиги, мотивацион қўллаб-қувватлаш, ходимларга ваколатларни тақсимлаш, стрессларни бошқариш, ишонтирувчи мулоқот, ҳамкорлик ўрнатиш ва шу кабилар) кластерлаш, юқори юклаган компетенцияларни факторли таҳлиллаш ҳамда дифференциялаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўрта бўғин раҳбарининг “Янги-тўлқин” (New-Wave) компетенциялари модели бошқарув фаолияти жараёнининг бир семантик майдондаги ижтимоий фасилитация ва ингибиция механизмларини интеграциялаш асосида оптималлаштирилган;

“Мен”-концепцияси контекстидаги раҳбарнинг шахсий ҳаёт ва касбий фаолияти компонентлари бошқарув фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (ўзининг “Мен”идан рози ёки норози бўлиш интеграл ҳисси, ўзини ҳурмат қилиш, ўзини-ўзи ёқтириш, қўл остидагилардан кутилаётган муносабат, ўз шахсиятига қизиқиш, ўзига ўзи ишонч, ўзгалардан кутилаётган муносабат, ўзини ўзи қабул қилиш, ўзига ўзи раҳбарлик қилиш, ўзини ўзи айблаш, ўз-ўзига қизиқишини ифодалаш, ўзини ўзи тушуниш)ни аутопсихологик диагностикалаш асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОТМларда функционал вазифалари ва ходимлари компетенциялари

батафсил тавсифланган интеллигент-маркетинг концепциясига асосланувчи ўрта бўғин бошқаруви саналадиган янги “Маркетинг тадқиқотлари ва хизматлари бошқармаси” орқали ОТМларининг бошқарув самарадорлиги ошиши мумкинлиги ижтимоий психология фани контекстида яна бир янги йўналиш сифатида тавсия қилинган;

собиқ битирувчилардан иборат самарали маркетинг тадқиқотларини ташкил эта оладиган таълим хизматларининг “селекционер”лари контингентини худудлар контекстида шакллантириш ўз навбатида, диссертацион тадқиқот ишида лойиҳа сифатида таклиф этилаётган бошқарманинг жойлардаги “селекционер” билан ҳамкорликда ОТМ учун мақбул бўлган ҳар бир номзод учун олдиндан ишлаб чиқилган профессиограмма талабларидан келиб чиқиб, маълумотларни тайёрлаш ҳамда ОТМ қабул комиссиясига тақдим этиш шартлари сифатида баҳоланган;

чиқарилган хулосалар, амалий тавсия ва кўрсатмалар ОТМнинг ижтимоий-психологик билимларни такомиллаштириш ва бу борада маркетинг-психологлар, психологик хизмат ходимлари учун бошқарув субъекти ва объектининг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган психологик маслаҳат дастурларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, адекват методик тадқиқотларнинг амалга оширилганлиги, эмпирик тадқиқот натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аниқлиги, математик-статистиканинг аниқ методлари қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилиги ва тадқиқот методларининг ишонччилигидан келиб чиқади, шунингдек эмпирик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш усуллари, мазмуний-статистик таҳлил, ўзига хос методологик ёндашувларнинг тадқиқотимизда комплекс равишда қўлланилиши раҳбар шахси ва унинг фаолиятини ўрганиш йўналишига ўзига хос назарий ҳисса бўлиб қўшилади ҳамда уларни жорий этиш орқали истиқболли тадқиқот муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда эмпирик таҳлиллар орқали қўлга киритилган натижалар ва назарий хулосалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларига киритилган “Бошқарув психологияси”, “Персонални бошқариш”, “Корпоратив бошқарув”, “Бошқарув социологияси”, “Таълим менежменти”, “Тайм-менежмент”, “Социал психология” каби фанларни янги маълумотлар билан бойитади, шу билан бирга, натижалар раҳбар-ходим муносабатлари шаклланишининг миллий менталитетга хос этнопсихологик

хусусиятларини тизимли равишда шарҳлаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Профессional бошқарув фаолиятини тартибга соладиган ижтимоий-психологик фазилатлар тизимига асосланувчи ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини моделлаштириш юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

бошқарувчиларга хос ижтимоий-психологик фазилатлар ва касбий сифатларни кластерлаш асосида такомиллаштирилган ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг (профessional, ижтимоий-коммуникатив, ижтимоий-информацион, ижтимоий-психологик, когнитив, услубий-махсус, ижтимоий-маданий, аутопсихологик компетенциялар) таркибий компонентларини бошқарув жараёнлари билан боғлиқ қарорларни қабул қилишдаги аҳамияти ва роли ҳақида маълумот берувчи таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 июндаги 6-сонли буйруғига асосан “Шахслараро муносабатлар психологияси” модулига киритилган (ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 июндаги П-М-6 а-сон маълумотномаси) ҳамда “Бошқарув психологияси” фани таркибида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан берилган 892-059-рақамли Гувоҳнома). Мазкур натижаларини ўқув жараёнига жорий қилиниши ўз навбатида тингловчи(талаба)ларнинг бошқарув соҳасидаги психологик илмий-назарий тайёргарлигини янада ошишига хизмат қилган;

устувор шахс сифатлари ва компетенцияларини мужассамлаштирувчи юқори, ўрта ва қуйи даражаларга дифференциялаш асосида такомиллаштирилган ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини ривожлантириш моделини далилловчи таклиф Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 июндаги 6-сонли буйруғига асосан “Шахслараро муносабатлар психологияси” модулига киритилган (ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 июндаги П-М-6 а-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида ҳар томонлама етук, баркамол, рақобатбардош амалиётчи психолог кадрлар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини бойитилишига эришилган;

кластерлаш, юқори юкламали компетенцияларни факторли таҳлиллаш ҳамда дифференциялаштириш асосида такомиллаштирилган ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг таркибий компонентлари (социал-психологик мослашувчанлик, фикрнинг креативлиги, мотивацион қўллаб-қувватлаш, ходимларга ваколатларни тақсимлаш, стрессларни бошқариш, ишонтирувчи мулоқот, ҳамкорлик ўрнатиш ва шу кабилар) тўғрисидаги таклифлар “Бошқарув психологияси” фани таркибида ўқув жараёнида фойдаланилган ҳамда рақобатбардош иқтидорли менежер мутахассисларни

тайёрлашга қаратилган дарслик яратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан берилган 418-185-рақамли Гувоҳнома). Мазкур дарсликнинг ўқув жараёнидаги тадбиқи орқали талабаларнинг бошқарув жараёнлари билан боғлиқ қарорларни қабул қила олиш кўникмаларини муваффақиятли намоён қилиш имкони яратилган;

бошқарув фаолияти жараёнининг бир семантик майдондаги ижтимоий фасилитация ва ингибиция механизмларини интеграциялаш асосида оптималлаштирилган ўрта бўғин раҳбарининг “Янги-тўлқин” (New-Wave) компетенциялари моделини далилловчи таклиф Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 июндаги 6-сонли буйруғига асосан “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 июндаги П-М-6 а-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши амалиётчи психологларни бўлажак психологик хизмат фаолиятига доир, билим, малака, кўникма ва компетенцияларини ошишига хизмат қилган;

бошқарув фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (ўзининг “Мен”идан рози ёки норози бўлиш интеграл хисси, ўзини ҳурмат қилиш, ўзини-ўзи ёқтириш, қўл остидагилардан кутилаётган муносабат, ўз шахсиятига қизиқиш, ўзига ўзи ишонч, ўзгалардан кутилаётган муносабат, ўзини ўзи қабул қилиш, ўзига ўзи раҳбарлик қилиш, ўзини ўзи айблаш, ўз-ўзига қизиқишини ифодалаш, ўзини ўзи тушуниш)ни аутопсихологик диагностикалаш асосида аниқланган “Мен”-концепцияси контекстидаги раҳбарнинг шахсий ҳаёт ва касбий фаолияти компонентларини далилловчи таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 июндаги 6-сонли буйруғига асосан “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 июндаги П-М-6 а-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида ҳар томонлама етук амалиётчи психолог кадрларни тайёрлашда илмий-методик таъминотнинг бойитилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацион тадқиқотнинг натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича жами 53 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 18 та илмий мақола, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та ва хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацион иш кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 251 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда татбиқ этилганлик ҳолати, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Ижтимоий психологияда бошқарув фаолияти ва услубларининг илмий тадқиқи: назарий асослар”** деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлилига қаратилган бўлиб, унда Шарқ ва Ғарб психологиясининг илмий меросидан унумли фойдаланилган. Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг бошқарувчилик фаолиятига оид ижтимоий-психологик қарашлари замирида, даставвал, Конфуцийнинг бошқарув тўғрисидаги ёндашувлари орадан минг йиллаб вақт ўтиб бораётган бўлса-да долзарблигини йўқотмаётганлиги далилланган. Зеро, Конфуций ёндашувига биноан инсон дунё тартиботи тизимида фавқулодда ўрин эгаллаши, умумжамият тақдири учун масъуллик ҳиссининг чегарасизлиги тарғиб этилган ҳамда космология ғоясида сиёсат ва космик ритм ўртасида муроса ўрнатилиши асосланган. Айниқса, воиз Кошифийнинг юксак хулқ-атвор эгаси бўлиши учун тартиблаб берган ўн қоидаси (моделли) ишнинг методологик асоси учун тарихий генезис сифатида баён қилинган. Диссертациядаги қўйилган мақсад фонида чет эл ва маҳаллий олимларнинг бошқарув муаммоларини ўрганишга қаратилган кўплаб ижтимоий-гуманитар соҳа тадқиқотларида акс эттирилган илмий ўрганиш анъаналари ва мактаблари, улар такомиллашувининг иерархияси, бошқарувдаги роллар ва анъанавий услублар, уларнинг таъсир-қўлами ижтимоий-психологик жиҳатдан назарий таҳлили амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Раҳбар психологик компетентлигини моделлаштиришни эмпирик ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида, аввало тадқиқот объекти ва предметини аниқлашнинг назарий-методологик масалалари баён этилган, яъни унда **“Ижтимоий тасаввурлар концепцияси”** бош методологик ғоя, **“Уч ўлчовли модель”** асосий методологик ғоя, **“Персонални бошқариш концепциялари”** тадқиқотнинг ёрдамчи методологик асоси, **“Интеллигент-маркетинг концепцияси”** компетентликни моделлаштиришнинг таянч методологик асоси сифатида эканлиги ижтимоий-психологик нуқтаи назардан далилланган. Айниқса, XXI асрдаги одамлар ташкилот учун эмас, балки ташкилот одамлар учун, деган гуманистик ёндашувни қўллаб-қувватловчи **“Инсонни бошқариш (human being management)”** концепцияси Янги Ўзбекистон бошқарув сиёсатидаги **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”** деган тамойилнинг генезиси эканлиги исботланган. Шунингдек, глобаллашув жараёнида фаолият кўрсатаётган ОТМларига халқаро меҳнат бозори, АКТлар

ва креатив билимларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг қўяётган янгидан-янги вазифаларини ҳал қилишда ҳамда ақлли бошқарув тизимини йўлга қўйишда интеллигент-маркетинг концепциясининг ўрни ва аҳамияти асосланган.

Бобда компетентлик ва компетенция тушунчаларнинг ижтимоий-психологик мазмунига қаратилган америкача, европача ҳамда аралаш ёндашувларнинг назарий таҳлили юритилган. Назарий таҳлиллар асосида шахсдаги психологик компетентлик: мега (ҳалқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар); макро (давлатнинг марказий органлари, жумладан вазирликлар); мезо (марказга бўйсунувчи ташкилотлар, жумладан, ижтимоий институтлар, уюшмалар, бирлашмалар); микро (бошланғич ташкилотлар ва кичик гуруҳлардаги шахслараро мулоқот) даражалардаги муносабатлар тизимида акс этиши баён қилинган. Илмий манбаларга таянилган ҳолда компетентликни ташкил этувчи компонентлар (билимлар мажмуи, кўникмалар, мулоқот меъёрлари) I. Borg, M. Muller, T. Staufenbiel, M. Perlmutter, M. Kaplan, L. Nyquist, G. Schreder, M. Vorweg, S.P. Dyrstra, S. Dollingerларнинг тадқиқотларидаги раҳбардаги бошқарув, шахсий ва функционал компетенциялар ривожланишининг асоси эканлиги таҳлил қилинган. Назарий таҳлилларга таянилган ҳолда, ОТМлари ўрта бўғин раҳбарлари эга бўлиши керак бўлган компетенциялар стандартларини ишлаб чиқиш ва бошқарув самарадорлигига ёрдам берувчи компетенцияларни дифференциялаштириш муҳим эканлиги тушунтирилган. Тизимга нисбатан, компетентли ёндашув ОТМнинг барча бошқарув (қуйи, ўрта, юқори) бўғин(лар)ида қўлланилиши мумкинлиги ва бу охир-оқибатда ОТМ яхлитлигини яратиши, хоҳ горизонтал, хоҳ вертикал бошқарувдаги тенглик имижини таъминлаши исботланган.

Диссертацияда О.А. Козиреванинг профессионализм даражалари ва профессионал компетентлик шаклланишини қиёсий тартиблаши лавозимдаги шахсни фаолиятини моделлаштириш позициясида ўрганилган. Хусусан, шахсдаги профессионализм даражаларининг ҳар бири “англанмаган компетентсизлик – англанилаётган компетентсизлик – анланган компетентлик” тизимидаги профессионал компетентлик даражаларини белгилаб беради, деб хулосаланган.

Шунингдек, бобнинг мазмунида Д.Г. Мухамедова тадқиқотларидаги ОТМлари инновацион фаолияти учун таълим менежерини тайёрлаш дастурининг асослари тавсифи ҳамда тамойиллари, Ш.Х. Абдуллаеванинг эса педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари ҳақидаги қарашларининг ҳам қиёсий таҳлили юритилиб, шу орқали диссертацион ишнинг юқоридаги изланишлардан ўзига хос тарзда тафовутланиши баён қилинган.

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари одимлаётган Янги Ўзбекистоннинг ҳар жабҳадаги ислохотлари йўлини барқарорлашуви, “Ҳаракатлар стратегиясида” назарда тутилган тараққиётимиз маромининг тобора интенсивлашуви узлуксиз таълим тизимида ҳам замонавий раҳбар

кадрлар фаолияти самарадорлигини сарҳисоб қилиш ва оптималлаштириш заруратини келтириб чиқараётганлиги асосланиб, моделлаштириш тушунчаси ва унинг бошқарув фаолиятидаги аҳамияти ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил этилган. XX асрнинг ўрталарида бошқарув соҳасида илк бора моделлаштириш тамойили қўлланилганлиги, ҳозирда у психология фанининг илғор усулларида бири сифатида эътироф этилаётганлиги, тушунчага берилган таърифлар ёрдамида далилланган. Шунингдек, моделлаштириш амалдаги жараён мазмуни ва хусусиятлари ҳақидаги билимларни аслига келтириш ва кенгайтириш имкониятини бериши билан бир қаторда, янги сифатлар, сифатли ва самарали бошқарув жараёни ва унинг динамикасига оид билимларни лойиҳалашни ҳам назарда тутиши исботланган. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда, ОТМ ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини оптималлаштириш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини баҳолаш ҳамда “раҳбар – шахс – жамоа” номли ижтимоий-психологик тизим хусусиятларини аниқлаш каби ҳолатлар моделлаштиришнинг намунавий мақсадлари бўлиб ҳисобланиши атрофлича тушунтирилган.

Ташкилот бошқарувидаги компетенциялар харитаси, ўз навбатида, компетенцияларни моделлаштириш жараёнига асос бўлиши, бунда компетенциялар – раҳбарнинг хулқ-атворида, компетентлик эса бошқарув натижаларида акс этиши алоҳида эътироф этилган. Ҳоявий ундалмадан келиб чиқиб, ОТМ ўрта бўғин раҳбарлари (бўлим бошлиғи, факультет декани ва декан ўринбосари)нинг қўл остидаги (педагог-ҳодим ва талаба)ларнинг етуклик даражасига кўра бошқарувчилик позицияси аниқланган ҳамда “назоратчи”, “устоз”, “етакчи”, “катта ёрдамчи” ролидаги бошқарувчиларнинг шахсий-касбий компетентлиги ижтимоий-психологик жиҳатдан тушунтирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг қўл остидагиларини етуклик даражасига кўра бошқарувчилик позицияси

Т/р	Ходимнинг етуклик даражаси	Бошқарувчининг роли
1.	Компетентлик қониқарлидан қуйигача, фидойилик даражаси паст	Назоратчи
2.	Компетентлик даражаси қуйи, фидойилик даражаси юқори	Устоз
3.	Компетентлик қониқарлидан юқоригача, фидойилик ўзгарувчан	Етакчи
4.	Компетентлик даражаси юқори, фидойилик даражаси ҳам юқори	Катта ёрдамчи

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, биринчидан, компетенция – раҳбарнинг ривожлантириши зарур бўлган кучли томонларини, сифатларини юзага чиқаришда ва ишни энг яхши, самарали бажариш мумкин бўлган усуллари аниқлашда ёрдам беради ҳамда ОТМ миқёсида чизиқли менежмент контекстидаги ҳамкасбларни ўқитишга бўлган эҳтиёжларни ва берилган маслаҳатлар натижасида тўлмай қолган “бўшлиқ”ларни

тўлдиришда асқотади; иккинчидан, компетентлик – бу таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш йўлида, яъни муайян кишилар (ижтимоий гуруҳлар) малакасини ошириш ва меҳнат (ўқиш) фаолиятини яхшилашнинг ҳамда профессионал шахс шаклланиши жараёнининг индикаторидир, дея хулосаланган.

Диссертациянинг **“Раҳбар психологик компетентлигини моделлаштириш: концептуал эмпирик таҳлил”** деб номланган учинчи бобида, даставвал ОТМ ўрта бўғин раҳбарларида психологик компетентликни ривожлантириш шартлари Э. Ғозиев, Р. Тошимовларнинг “Менежер фаолиятининг диагностикаси” методикасидан фойдаланиб баён қилинган. Мазкур методика ОТМнинг 177 нафар ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари билан ўтказилган. Қўлга киритилган натижалар, яъни раҳбарларнинг шахсий ва касбий сифатларига доир маълумотлар – хусусан, ОЎЮнинг ўрта бўғин раҳбари учун қуйидаги: а) лавозим бўйича аттестацияга тайёрланиш босқичи; б) шахсий-касбий сифатларни ривожлантириш ва раҳбарнинг ўз устида ишлашнинг такомиллаштириш; в) шахсий ҳаёт ва касбий фаолиятни ташкил қилишнинг фундаментал асоси раҳбарнинг “Мен”-концепцияси бўйича ўзи ҳақидаги тасаввурларини аниқлаштириш билан боғлиқ жараёнларда муҳим аҳамият касб этиши исботланган.

Натижалар 12 та устун бўйича таҳлил қилиниб, ҳар бир устун алоҳида жадвал кўринишида тизимлаштирилган ҳамда 3 та даражадаги ижтимоий-психологик таҳлил юритилган. Масалан, ўзининг “Мен”идан рози ёки норози бўлиш интеграл ҳисси устуни бўйича 177 нафар респондентдан 120 нафарининг натижаси (мос равишда 68 фоиздан) ўзи ҳақида жуда юқори фикрда ҳамда ўз “Мен”идан тўла рози эканлигини кўрсатади. Фикримизча, натижалар ўрта бўғин раҳбарининг ўзига нисбатан сезгирлиги, ўзининг эҳтиёж ва хоҳишларини тўғри англаб етганлиги ҳамда адекват муносабатларга кириша олиш хусусиятини ифодалашда қўл келади. Сабаби, ўзи ҳақида жуда юқори фикрда ҳамда ўз “Мен”идан тўла розилик компетенцияга эга ўрта бўғин раҳбари, бошқарув амалиётида “исми шариф” усулини татбиқ этиб, вақтдан унумли ва самарали фойдаланиш санъатини намоён қилишар экан. Шунингдек, бу тоифа ўрта бўғин раҳбари бошқарув фаолиятида тайм-менежментга амал қилишда шахсий намуна кўрсата олишади.

Аниқланишича, бу тоифа ўрта бўғин раҳбари бошқарув қарорларини қабул қилишда консультатив услубни, педагог-ходимларни бошқаришда эса партисипативлик услубини қўллайдиган демократ раҳбарлар ҳисобланишар экан. Бу эса ўз навбатида жамоавий кадриятларни шакллантирадиган бошқарув фаолияти маҳсули саналади. Демак, мазкур методикадаги “ўзининг “Мен”идан рози ёки норози бўлиш интеграл ҳисси” устуни бўйича олинган натижаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги “ўз “Мен”ига эга бўлиш” компетенцияси моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Шунингдек, ўрта бўғиндан 84 фоиз ва қуйи бўғиндан 79 фоиз раҳбар ўзини юксак даражада ҳурмат қилишини, ўзига ишонишини ва мустақиллигини намоён этишган. Фикримизча, ўрта бўғин раҳбарининг доимо ўз устида ишлаши, хатоларини англаб етиши ва уларни бартараф этишга бўлган ички интилиш истаги ҳамда бошқарувдаги оптимизмга йўналганлик ҳолати – унинг ўз кучига бўлган ишончини ифодалайди. Тадқиқотнинг кўрсатишича, “келажакка ишонч” компетенцияга эга ўрта бўғин раҳбари мунтазам равишда ўз устида ишлаб, билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ошириб боради. Бу тоифа раҳбарлар ўз бўлими, факультети даражасидаги бошқарувда ва қарорлар қабул қилиш жараёнида мунтазам равишда танқидий таҳлил юритишади, йўл қўйилган хатокамчиликларни тузатиш, бартараф этиш ҳамда оқибатлари билан курашишнинг чораларини излайдилар. Улар қўл остидаги педагог-ҳодимларнинг эмоционал толиқишларини бартараф этиш йўлида, бўғин даражасидаги бошқарувда ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишда иродавий лидерликни яққол намоён этишади.



1-расм. ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластери. (Манба: муаллиф ишланмаси)

ўрта, 32 фоиз қуйи бўғин раҳбари ўз “Мен”и билан “дўстона” муносабатда бўлиб, бизнингча, бундай эгоцентрик установкали ҳолат бу тоифа раҳбардан ўз хислатларини ва умумий хулқини юксак даражада назорат қилиши заруратини келтириб чиқаради.

Фикримизча, ОТМ ўрта бўғин раҳбари (масалан, факультет декани)нинг турли ёш (миллениаллар, “X-авлод”, “Y-авлод” вакиллари) ва жинс (аёл, эркак) вакиллари гуруҳий (талабалар жамоаси, педагоглар жамоаси) муносабатлар контекстидаги ўз бошқарувининг инқирозли ҳолатларида ўзини ўзи иродавий намоён қила олиши, “декан-талаба”, “декан-ўқитувчи” муносабатларидаги инқирозли вазиятлардан чиқа билиш кўникмаларини

Демак, методикадаги “ўзини ҳурмат қилиш” устуни бўйича қўлга киритилган натижаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “келажакка ишонч” компетенцияси моҳиятини ёритишга хизмат қилади (1-расмга қаранг).

Мос равишда 40 фоиз ва 27 фоиз раҳбар ўз жавобда ўзини қўллаб-қувватлашини, ижобий баҳолашини, ўзига ишонишини, шу билан бирга ўзини айблашга ҳам тайёрлигини эътироф этишган.

Шунингдек, яна 28 фоиз

мавжудлигини кўрсатувчи компетенцияси – бу раҳбарни ўзини ўзи идора қила олиши демакдир. Яъни, методикадаги “ўзини ўзи ёқтириш” устуни бўйича қўлга киритилган натижаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “ўзини ўзи идора қила олиш” компетенцияси моҳиятини ёритишга хизмат қилади (1-расмга қаранг).

Маълумки, ҳар бир инсон ўз атрофидагилардан қандайдир ижобий ёки салбий муносабатни кутади. Интерпретацион таҳлилга кўра, ўрта бўғиннинг 20 фоиз, қуйи бўғиннинг 8 фоиз раҳбари атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабалардан салбий муносабатни кутишади, ҳатто меҳр-муҳаббати зарур бўлганлардан ҳам яхши муносабатни кутишмайди. Чунки бу тоифа раҳбарлар одатда ўзига яхшилиқни чинакамига раво кўришмайди. Ваҳоланки, улар ўзини бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс ёхуд “мендақаси йўк” деб ҳисоблашади. Фикримизча, ушбу ҳолат мазкур тоифа (28 нафар) раҳбарни ўзини ўзи ҳурмат қилишини кучайтирадиган вазифаларни олдига мақсад қилиб қўйишига тўсиқлик қилади. Яна 48 фоиз ўрта, 32 фоиз қуйи бўғин раҳбари атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабалар орасида ўзига салбий муносабатда бўладиганлар борлигини билишса ҳам, лекин уларнинг барчасини ижобий муносабатда деб ҳисоблашади. Бу ҳолат шу тоифа раҳбарларда уларнинг муносабатларига муносиб бўлишга, ижтимоий ахлоқ нормаларига риоя қилишга, ташқи қиёфасига эътибор беришга, ўзини назорат қилишга интилишни вужудга келтиради.

Шунингдек, 32 фоиз ўрта, 60 фоиз қуйи бўғин (ҳар иккала бўғиндан 37 нафар) раҳбар(и) атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабаларнинг ўзига ижобий муносабатда эканликларига тўла ишонишади. Фикримизча, айнан шу ишонч уларда ўзига нисбатан ҳурматни тобора орттиради ва ҳамда бошқарувдаги муваффақиятни таъминлайди. Сабаби бу тоифа ўрта бўғин бошқарувчиси ўзини ўта масъулиятли, ишончга арзийдиган шахс эканлигини қўл остидагиларга кўрсата олади.

Ана шундай компетенция соҳиб(ас)и саналган ўрта бўғин раҳбари, одатда жамоаси билан бошланган ишни охирига етказди, бошқарув жараёни билан боғлиқ ҳар қандай ишончли маълумот ёки хавф-хатар объектларига эътибор (ҳурмат) билан муносабатда бўлади. Бу эса ўз навбатида бошқалар билан самимий ва тўғрисиўз муносабатда бўлишни таъминлайди. Эътиборли жихати бу тоифа ўрта бўғин раҳбарлари ўз хатолари учун атроф (қўл ости)дагиларни айблашмайди, аксарият ҳолларда масъулиятни ўз зиммаларига олишади.

Бу тоифа раҳбарлар ўз шахсининг кадр-қимматли эканлигига ишонишади ва фаолиятининг самарали бўлиши атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабалардан кутаётган муносабатига боғлиқлигини чуқур англашади. Фаолияти даврида атрофдаги ёки қўл остидагиларнинг ўзлари ҳақидаги тасаввурларини сақланиб қолиши учун, бу тоифа раҳбарлар доимо ўз устиларида ишлаши зарурлигини алоҳида эътироф этишади. Шунингдек,

улар ўз бошқарув фаолиятини виждонан бажаришади. Умумжамовий ривожланиш (муваффақият) йўлида, керакли далил ва маълумотларни, ҳатто ўз билимларини ҳам ҳамкасблари билан бўлишишади.

